

## **Маҳаллаларда нотинч оилалар билан ишлаш механизмлари”**

Маълумки, жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилалар қанчалик тинч ва тотув бўлса, шундагина давлат тинч ва барқарор равнақ топади. Оиланинг мустаҳкамлиги ва унда маънавий-аҳлоқий жиҳатларнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин оила деб аталмиш муқаддас маконда фарзандлар камолга етади, улғаяди. Жамиятда намунали оилалар талайгина. Намунали оила деганда, оилавий муносабатлар маънавий мезонлар асосида қурилган, яхши ва ахлоқли фарзандлар тарбиялаган нурли, отахон ва онахоналар кўз олдимиизга келади. Уларнинг борлиги бошқалар учун ибрат мактабидир. Аммо, афсуски, бу оилалар билан бир пайтда буларга тескари равищда фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ва ижтимоий салбий муҳитга эга оилалар ҳамлар мавжуд. Бундай оилаларга, «жанжалкаш оила», «низоли оила», «нотинч оила» каби тушунчаларнинг ишлатилиши шулар жумласидан.

Нотинч оилалар, бу ҳаёт фаолиятида носоғлом муҳит хукм сурадиган ижтимоий мавқега эга бўлган оилалардир. Бундай оилаларни келиб чиқишига оила даромади паст даражадалиги, ёмон психологик ҳолатлар, оиласида маданият даражаси пастлиги каби вазиятлар мисол бўлади олади. Ушбу оилалар уларга юқлатилган вазифаларни бажара олмайдилар, уларнинг мослашиш қобилияtlари паст даражада, оиласида тарбиялаш жараёнлари қийинчиликлар билан ўтади. Бундай турдаги оила учун ижтимоий педагог томонидан фаол ва давомий ёрдам керак бўлади. Нотинч оилаларда яшовчи эр-хотин ўртасида вужудга келадиган низоларнинг криминологик ва психологик хусусиятлари, оқибатлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари бевосита бошқа низолардан тубдан фарқ қиласиди. Оиланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволга келишига оиласида носоғлом турмуш тарзини юритиш, оила аъзолари ўртасида самимий муносабатларнинг мавжуд эмаслиги, эркакнинг ўз манфаатини аёллар манфаатидан устун кўйиши каби ҳолатлар бирмунча кўпроқ кузатилади. Бундай ҳолатлар оиласида шахс ҳуқуqlари поймол бўлишига олиб келади.

Ижтимоий жихатдан нотинч оилаларда низолар, хусусан эр-хотин ўртасидаги низолар, зиддиятлар содир этилади. Жумладан, эр-хотин ўртасидаги низо, келишмовчилик, жанжалларнинг вужудга келишини тақозо этувчи қриминоген омиллар ҳамда унинг оиласидаги носоғлом ижтимоий-рухий муҳит билан чамбарчас боғлиқ эканлиги атрофлича тадкиқ қилинганди. Шуни таъкидлаш жоизки, оила-турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир текисда силлиқ, рисоладагидай кечавермайди. Уй-рўзгор юмушларини бажариш, эр-хотин ва оила аъзоларининг бурчи, ота-онанинг фарзандлари олдидаги мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидаги бурчларини адо этиш жараёнида шахсий манфаатлар тўқнашади. Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, келишмовчилик ва англашилмовчиликлар шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оиласидаги жиноий зўравонликни келтириб чиқаради.

Психолог Чарлз Ликсон низолар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазасини билдириб, низонинг инсон рухиятига салбий таъсирига «низо бу ҳаёт нормаси», деб ёзади. У кўп йиллик адвокатлик ва амалиётчи психологияник тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда, оилавий низолар хусусида ўз фикрларини баён этади. Унинг фикрича, оилавий низо маълум маънода шахс тараққиётини бошлаб берувчи илк нуқтадир. Шу боис, бундай низолар позитив нуқтаи назардан баҳоланиши мумкинлиги, ушбу низо юз бераётган жараёнда эр-хотин ва болаларнинг унга нисбатан муносабати ҳамиша салбий бўлишини таъкидлайди<sup>1</sup>

Агар оиласида ғайриинсоний носоғлом муҳит мавжуд бўлса, у ерда салбий хусусиятларнинг шаклланиш еҳтимоли анча юқори бўлади. Оиласидаги маънавий-педагогик заифликнинг яна бир қўриниши ундағи носоғлом маънавий-рухий муҳит таъсирида ғайритабиий муносабатлар, низолар, жанжаллар, келишмовчиликлар, қўполликнинг мавжудлиги, бирликнинг, бир-бирига ғамхўрликнинг йўқлиги бир шахсада

---

<sup>1</sup> Ликсон Ч. Конфликт. Семь шагов к миру. – СПб., 1997. – С. 17;

ғайриижтимоий салбий хусусиятларнинг шаклланишини таъминловчи омил саналади.

Шахсда ғайриинсоний хусусиятларнинг шаклланишига оиладаги мухит ўз таъсирини кўрсатади. Бу шундан далолат берадики, носоғлом оилада яшовчи шахслар деярли бошқаларга қараганда ўзини тутиши ва хулқ-авори билан ажралиб туради. Бу ўз навбатида, оилада жиноий зўравонлик содир етилишини таъминловчи криминоген вазиятларни келтириб чиқаради. Криминологик адабиётларда кўрсатилишича, шахсга қарши жиноятларнинг 60 фоиздан ортиғи майший мотив асосида оиладаги жиноий зўравонлик натижасида содир етилган<sup>2</sup>. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу зўравонликлар содир етилишига оила аъзолари ўртасидаги узоқ давом етган келишмовчилик ва низолар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Оила-турмуш доирасидаги низо ва келишмовчиликлар оқибатида содир етилган жиноятлар ўрганилганида шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши содир етилган жиноятлар сабабларининг асосий қисми оиладаги келишмовчилик ва муросасизликнинг оқибати эканлиги аниқланди.

Таъкидлаш керакки, нотинч оила ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифадаги оилаларга нисбатан кўпроқ эътиборни, тарбиявий-профилактик назоратни, қолаверса маҳсус ижтимоий-хукуқий ҳимояни талаб қиласди. Чунки, бу тоифадаги оилаларни назораисиз ва эътибордан четда қолдириш бевосита ушбу оилаларда тарбиялананаётган вояга етмаганларни жиноят йўлига кириб кетишига олиб келади.

Шу жумладан, мамлакатимизда нотинч оилалар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиласдиган бўлсак, 2022 йил якунлари бўйича уларнинг улуши ўтган йилга нисбатан 13,5 фоизга ўсиб 47 706 тани ташкил этган. Ҳудудлар ўртасида энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд вилоятида ўтган йилга нисбатан 0,9 фоизга камайиб 13 200 тани, Тошкент шаҳрида 18,2 фоизга кўпайиб 7 130 тани ва Тошкент вилоятида 111 фоизга ортиб 6 704 тани ташкил этмоқда. Энг кам улушга эга бўлганлари эса Қорақалпоғистон Республикасида 265,8 фоизга камайиб 79 тани, Бухорода

---

<sup>2</sup> Криминология: Учебник. – Алматы, 2006. – С. 348.

18,8 фоизга камайиб 628 тани ва Навоий вилоятида эса 7,3 фоизга камайиб 755 тани ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

### **Республика бўйича нотинч оилалар тўғрисида маълумот**

<b>№</b>	<b>2022</b>	<b>2021</b>	<b>+/-</b>
<b>ЖАМИ:</b>	<b>47 706</b>	<b>42 035</b>	<b>5 671</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	79	289
2	Андижон вилояти	781	671
3	Бухоро вилояти	628	773
4	Жиззах вилояти	1 765	1 574
5	Кашқадарё вилояти	1 083	946
6	Навоий вилояти	755	814
7	Наманган вилояти	2626	1 912
8	Самарқанд вилояти	13 084	13 200
9	Сирдарё вилояти	6 388	7 677
10	Сурхондарё вилояти	3963	1 546
11	Фарғона вилояти	1 499	1 921
12	Тошкент вилояти	6 704	3 177
13	Хоразм вилояти	1 221	1 503
14	Тошкент шаҳри	7 130	6 032
			1 098

Ўтган йилга нисбатан кескин кўтарилигантардаги худудларга эса Тошкент вилоятида 111,0 фоизга, Сурхондарёда 156,3 фоизга ва Наманганда 37,3 фоизларга тўғри келди. Энг юқори даражада камайган худудларга Қорақалпоғистон Республикасида 265,8 фоизга, Фарғонада қарийб 22 фоизга ва Хоразмда 18,8 фоизга камайган.

Нотинч оилалар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этишда оиласада эр-хотин ва фарзандларнинг тарбияси, ўзини тутиши, хулқатвори каби хусусиятларини инобатга олиш керак бўлади. Тарбияси оғир ўсмир ўз қилмишларини ташқи таъсир остида амалга оширади. Унинг хатти-ҳаракатларида ўзгарувчанлик ва муҳитга боғлиқлик мавжуддир.

Оиладаги носоғлом ижтимоий-рухий мұхит сабабларини ўрганиш борасыда турли даврлардан бошлаб ҳар хил соҳа мутахассислари томонидан қатор тадқиқотлар олибборилған. Бу муаммога бағишиланған илмий изланишлар эса, асосан ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган оилавий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасыда турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Зеро, оилада тарбияланаётган фарзандларнинг жисмонан ва руҳан соғлом вояга етишларида бевосита оила аъзолари ўртасидаги соғлом ижтимоий муносабатларнинг характеристига боғлик. Дарҳақиқат, оиладаги мұхит шахснинг шаклланишида ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини кўрсатади. Буни ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Оиладаги носоғлом ижтимоий-рухий мұхит нафақат оилада тарбияланаётган фарзандларнинг, балки оила аъзоларининг ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар содир етишига ва улар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар жараёнига таъсир этади. Статистик маълумотларга кўра, қонунбузарлик содир қилган вояга етмаганларнинг 42–45 фоизи ота-онаси ичкилиkbозликка берилган, мунтазам равишда жанжал ва низолар келиб чиқадиган носоғлом оилаларда яшайди<sup>3</sup>.

Ўтказилған айrim тадқиқотларда қайд етилишича, «Ота-оналар томонидан зулм кўрсатилған болалар ва ўсмирлар» дастури асосида ишлаётган бир гуруҳ америкалик психиатрлар томонидан 76 та золим ота-оналар шахси ўрганилиб чиқилғанда уларнинг фақат 7 фоизи руҳий соғлом бўлиб қолганлари, яъни 25 фоизи ичкилиkbозлар, 68 фоизи эса жамиятга зид турмуш тарзи юритувчи шахслар эканлиги аниқланган<sup>4</sup>. Ҳаёт тажрибаси ва кузатишлар шуни кўрсатадики, нафақат оилада содир етиладиган ҳар қандай ғайриижтимоий салбий оқибатлар, балки ҳар қандай жиноятлар содир етилишида оиладаги мұхитнинг таъсири катта бўлади. Айниқса, ота-онанинг салбий маънавий ахлоқи оила мұхити ва фарзандлар тарбиясига таъсир кўрсатади. Шундай экан мамлакатда бундай оилаларни аниқлаш ва

<sup>3</sup>Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши кураш чоралари ҳақида // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва хуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Т., 1994. –В. 275

<sup>4</sup> Клевцова Н.А. Убийства детей, совершаемые в семье // Российский следователь. –2009. – №13. –С. 16–17

уларнинг муаммоларини бартараф этган ҳолда улар сонини камайтириш чуқур билим ва зарурый ҳаётий тажрибалар талаб этилади.

Мамлакатимизда 2022 йил якунлари бўйича нотинчлик бартараф этилган оиласалар улушини таҳлил қиласиган бўлсак, ўтган йилга нисбатан 25,6 фоизга ўсиб 37 684 тани ташкил этган. Ҳудудлар ўртасида энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида 54,7 фоизга ортиб 4 916 тани, Тошкент вилоятида 136,4 фоизга кўпайиб 4 799 тани ва Сурхондарё вилоятида 150,9 фоизга ортиб 3 786 тани ташкил этмоқда. Энг кам улушга эга бўлганлари эса Қорақалпоғистон Республикасида 45,0 фоизга камайиб 46 тани, Хоразмда 50,1 фоизга камайиб 461 тани ва Навоий вилоятида эса 8,8 фоизга кўпайиб 706 тани ташкил этди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Республика бўйича нотинчлик бартараф этилган оиласалар тўғрисида маълумот

№		2022	2021	+/-
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>37684</b>	29991	7694
1	Қорақалпоғистон Республикаси	46	84	-38
2	Андижон вилояти	689	566	123
3	Бухоро вилояти	519	805	-286
4	Жizzах вилояти	927	1181	-254
5	Қашқадарё вилояти	706	641	65
6	Навоий вилояти	619	569	50
7	Наманган вилояти	759	487	272
8	Самарқанд вилояти	13 349	13 441	-92
9	Сирдарё вилояти	4 829	3 877	952

10	Сурхондарё вилояти	3786	1509	2277
11	Фарғона вилояти	1 279	701	578
12	Тошкент вилояти	4 799	2 030	2769
13	Хоразм вилояти	461	923	-462
14	Тошкент шаҳри	4 916	3 177	1739

Таҳлилларга кўра ўтган йилга нисбатан кескин кўтарилигдан худудларга ҳам Тошкент вилоятида 136,4 фоизга, Сурхондарёда 150,9 фоизга ва Тошкент шаҳрида 54,7 фоизларга органини кўришимиз мумкин. Энг юқори даражада камайган худудларга Қорақалпоғистон Республикасида 45,0 фоизга, Хоразмда 50,1 фоизга ва Бухорода қарийб 35,5 фоизга камайган.

Тадқиқотларнинг қўрсатишича, оиласда зўравонликнинг содир етилишини тақозо етувчи ва уни таъминловчи криминоген омиллар бирбири билан узвий боғлиқ бўлиб, оиласдаги носоғлом турмуш тарзи оқибатида вужудга келган салбий одатларнинг оқибатидир. Маълумки, инсон шахс сифатида оиласда шаклланади, ижтимоийлашув жараённида оила индивидга ижобий ёки салбий таъсир қўрсатиши унинг муайян ижтимоий қиёфасини шакллантириши лозим. Оиласдаги муҳит шахснинг шаклланишида ўзининг таъсирини ўtkазиши билан бирга унда маънавий-ахлоқий фазилат ва хусусиятларнинг ривожланиш жараёнини таъминлайди.

Рус криминолог олими Ю. М. Антоняннинг таъкидлашича, носоғлом оиласарда жиноятчилар ҳар томонлама соғлом оиласарга нисбатан 9–10 марта кўп етишиб чиқади. Бундай оиласардаги носоғлом муҳитнинг таъсири оиласда, оила аъзоларининг ўртасида жанжал, келишмовчиликларнинг ёки шахсда гайриижтимоий хусусиятларнинг шаклланишини тақозо етади. Шахсда тажовузкорликнинг шаклланиши оила ичидаги зиддиятлар (уруш-жанжаллар, можаролар), зўравонликларга «ўрганиш», зўравонлик билан жиноий хулқ-атвор борасида ибрат қўрса-

тиш (ичкиликбозлик, шафқатсизлик), оиладаги зўравонлик омилларига қаршилик кўрсатмаслик ва бошқаларга олиб келади<sup>5</sup>.

Хозирги кунда оилада содир этилаётган зўравонликларнинг асосий қисми муентазам равишда ичкиликбозликка ружу қўйган шахслар ва ишсизлар томонидан содир этилмоқда. Бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш, тўғрироғи уларнинг олдини олиш учун, авваламбор, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигига унинг тўлиқ ва мукаммал бўлишига эришиш ва оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш лозим. Зеро, оиладаги соғлом маънавий муҳит одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари оилада тарбияланаётган фарзандларнинг ижтимоий-рухий хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатиб оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Оилада носоғлом турмуш тарзининг шаклланишида оиладаги шахслар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ўрни каттадир. Ушбу муносабатлар шахсда ижобий хусусиятларни шакллантириши мумкин. Оиладаги носоғлом муҳитнинг шаклланиш шарт-шароити куйидагилар билан чамбарчас боғлиқлигига намоён бўлади:

- оила муҳитига салбий таъсир этувчи ташки омилларнинг мавжудлиги;
- яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуларининг йўқолиб бориши;
- оила аъзоларининг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва номақбул одатларнинг ортиши;
- доимий жанжал ва келишмовчиликларнинг оила аъзолари ўртасида мавжудлиги ва кўпайиб бориши.

Оиладаги салбий ижтимоий-рухий муҳит таъсири остида зўравонлик куйидаги криминоген низоли ҳолатларда акс этади:

- жиноятчи шахс ташаббуси билан узоқ давом этган ва кучли низонинг ҳал этилишида;
- низо келтириб чиқарувчи хатти-харакатлар натижасида;

---

<sup>5</sup> Антонян Ю.М. Социальная среда и формирование личности преступника. – М., 1995. – С.45.

- хуқуққа хилоф қилмишлар туфайли тўсатдан вужудга келган стресс ҳолатлар оқибатида;
- низосини ҳал этиш жараёнида жиноятчи шахснинг ички шахсий хиссиётлари таъсирида..

Инсон ҳаёти давомида ўзини ўраб турган ижтимоий мухитнинг таъсири остида бўлади. Шу боис унинг шаклланиш жараёнида маълум криминоген факторлар унга ижобий ёки салбий таъсир қиласи. Жумладан, оиладаги мухитнинг салбий таъсири вояга етмаган ёшларнинг мавжуд муносабатларга ўта таъсирчан бўлиши оқибатида жиноий ишлар содир этиш эҳтимоли билан характерлидир. Шу боис оилада шахснинг салбий шаклланишининг таъминловчи ахлоққа зид омилларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- биологик наслдан-наслга ўтувчи хусусиятлар;
- оиладаги маънавий-руҳий мухитнинг заифлиги;
- оила аъзолари ўртасидаги салбий муносабатлар;
- ахлоққа зид хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги;
- низо, жанжал ва келишмовчиликнинг доимий равища мавжудлиги;
- оила аъзоларининг ғайриинсоний қарашлари;
- оилада тарбиянинг йўқлиги;
- миллий қадрият ва анъаналарга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш кабилардир.

Оилада жиноий зўравонликнинг содир бўлишида носоғлом ижтимоий-руҳий мухит жамият ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан у ёки бу даражада бевосита ёки билвосита боғлиқлигини таъминловчи восита бўлиб бири иккинчисини ёки иккинчиси бирини таъсир этишига олиб келади. Бу омиллар биринчи навбатда шахснинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда унда салбий маънавий-руҳий хусусиятларнинг шаклланишига олиб келади. Омиллар жамиятда шахсга салбий таъсир этувчи манбаларни шакллантиради. Оиладаги салбий ижтимоий-руҳий мухит таъсирида шахсда шаклланган дунёқараш жамиятда

вужудга келган ижтимоий-рухий муҳит билан алоқада шахснинг у ёки бу йўлни танлашини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оилада маънавий-рухий муҳит шаклланишига ижобий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-рухий муҳитни соғломлаштириш борасидаги қуийдаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий-рухий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган оилавий (тарбиявий таъсир чораларига эга бўлган) дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- жанжалкаш шахсларнинг турмуш тарзи, қарашлари ва жиноий муҳитни тарғиб қилувчи, оилада доимий жанжалларни содир этувчи муҳитни ўзгартириш мақсадида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик сухбатлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- «оиладаги ижтимоий-рухий муҳитни соғломлаштириш»га қаратилган бугунги кундаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида ижтимоий ҳаётга жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- оилада одоб-аҳлоқ ва қонун-қоидага зид хатти-ҳаракатлардан бартараф этиш мақсадида қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни кучайтириш;
- «соғлом ижтимоий-рухий муҳит»ни доимий равища тарғибот ва ташвиқот қилиш;
- криминологик аҳамиятга молик воқеа-ҳодисаларни бартараф этиш мақсадида шахснинг маънавий-рухий шаклланишига салбий таъсир қилувчи ҳолатларни бартараф этиш ва уларнинг йўлига тўсиқлар қўйишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан маҳалла тизими ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг имкониятларини бирлаштириш ва улардан тўлиқ фойдаланиш;
- ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун масъулиятини ошириш;

- оилаларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни таҳлилий ўрганиш, заарсизлантириш ва унинг олдини олишга қаратилган чоралар ишлаб чиқиш;
- қонун ва бошқа норматив хужжатларни такомиллаштириш орқали оилаларда ижтимоий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган фаолиятини тартибга солувчи механизmlарни ишлаб чиқиш.